

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12. 2019.Fil.19.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХУРРАМОВА ЗЕБИНИСО САФАРБОВНА

**XX АСР САМАРҚАНД АДАБИЙ ҲАРАКАТЧИЛИГИ
НАМОЯНДАЛАРИ ҚЎЛЁЗМА АСАРЛАРИНИНГ МАТНИЙ ТАДҚИҚИ
(Вадуд Махмуд ижоди мисолида)**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract Doctor of Philosophy (PhD) on filological
sciences**

Хуррамова Зебинисо Сафарбоевна

XX аср Самарқанд адабий ҳаракатчилиги намояндалари қўлёзма
асарларининг матний тадқиқи (Вадуд Маҳмуд ижоди мисолида) 3

Хуррамова Зебинисо Сафарбоевна

Текстологические исследования рукописных произведений представителей
Самаркандского литературного движения XX века (На примере творчества
Вадуда Махмуда) 21

Khurramova Zebiniso Safarboyevna

Text study of manuscript works of Samarkand literari movement representatives of
the XX century (On the examhle of the work of Vadud Makhmud) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12. 2019.Fil.19.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХУРРАМОВА ЗЕБИНИСО САФАРБОВНА

**XX АСР САМАРҚАНД АДАБИЙ ҲАРАКАТЧИЛИГИ
НАМОЯНДАЛАРИ ҚЎЛЁЗМА АСАРЛАРИНИНГ МАТНИЙ ТАДҚИҚИ
(Вадуд Махмуд ижоди мисолида)**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2019. 4. PhD / Fil1073 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-
саҳифаси ва «ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz.)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сирожиддинов Шухрат Самариддинович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Каримов Баҳодир Нурметович филология фанлари доктори, профессор Рафиддинов Сайфиддин Сайфулло ўгли филология фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12. 2019.Fil.19.01. рақамли Илмий
кенгашнинг 2020 йил «30» ноябрь соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:
100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс:
(99871) 281-42-44) (www.Navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring @ Navoiy-uni.uz.).


Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (-819 рақами билан рўйхатга
олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел:
(99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44) (www.Navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring @ Navoiy-
uni.uz.).

Диссертация автореферати 2020 йил «18» ноябрь куни тарқатилди.
2020 йил «18» ноябрь рақамли реестр баённомаси



 **Н.А.Жабборов**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари, ф.ф.д.,
профессор

 **Қ.У.Пардаев**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

 **Н.А.Жабборов**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф. ф. д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон маданияти ва адабий-эстетик тафаккури ривожда бирламчи манбаларни аниқлаш, ҳар томонлама таҳлил этиш, улардан жамият маънавиятини юксалтириш йўлида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир халқнинг тараққиёти ва эртанги куни унинг маданий меросига ҳамда аждодлари қолдирган анъаналари ва қадриятлари асосида мустаҳкамланади.

Дунё ҳамжамиятида ота-боболаримиз қолдирган ноёб қўлёзма манбаларни кенг миқёсда ўрганиш масаласига ҳар доимгидан катта эътибор қаратилаётгани бугунги ўзбек матншунослиги ва адабий манбашунослиги соҳасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш заруриятини туғдирмоқда. Қўлёзма манбаларни аниқлаш, таҳлил ва тадқиқ этиш нафақат ўтмишимиз, балки сўнгги йиллардаги тарихимизнинг номаълум саҳифаларини ёритувчи қимматли ёдгорлик сифатида ҳам матншунослик ва манбашунослик фани олдида долзарб вазифалар қўяди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг узвий бир қисми сифатида собиқ шўро тузуми шароитида ўзини ошкор этмаган, тузум тазйиқидан кўрқиб яширин ижод билан шуғулланган қатор иқтидорли шоирлар номини аниқлаш, адабий мероси жамланган қўлёзма манбаларни ўрганиш ва ижодларидан намуналар чоп этиш бугунги кунда жиддий долзарблик касб этмоқда. Зеро, «... маърифат фидойиларининг қолдирган ўлмас мероси бугунги кунда ҳам маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади»¹. Мавзунинг долзарблиги ва зарурати мустабид шўро тузуми даврида Самарқанд минтақасида бадиий ижод билан шуғулланиб, ўзидан сермахсул мерос қолдирган, аммо XX аср ўзбек адабиёти тарихида номаълумлигича қолиб кетаётган Ибн Давлат, Аҳлам, Жомеъ, Муродий каби мумтоз адабиёт анъаналари давомчилари ҳақида дастлабки маълумотларни эълон қилиш ва илмий истеъмолга киритиш, уларнинг дафтарларда қолиб кетган қўлёзма битикларининг илмий тавсифини амалга ошириш, жанрий хусусиятларини аниқлаш, хусусан, катагон йилларидан сўнгги ижоди номаълум қолган XX аср боши машҳур публицисти Вадуд Маҳмуднинг қўлёзма мероси тавсифи, рубоийлари матний таҳлили ва бадиий-ғоявий тадқиқини ўрганиш билан белгиланади.

Ўзбек адабиётини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, адабий манбаларни тадқиқ этиш бўйича кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-

¹Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ, 2017. – Б.178.

тадбирлари тўғрисидаги» Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон «Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон «Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX асргача бўлган даврда Самарқанд минтақасида яшаб ижод этган шоирлар ҳаёти ва ижоди қатор олимларнинг, жумладан, В.Абдуллаев., Б.Валихўжаев, Р.Орзибеков, И.Салоҳиддинов, И.Сувонқулов, Ш.Сирожиддинов, Р.Зоҳидов, Н.Сайдалиева, Б.Муҳиддинова, Г.Холиқуловалар томонидан амалга оширилган махсус тадқиқотларида атрофлича ёритилган². Шунингдек, XX аср бошларида яшаб ўтган айрим шоирлар ҳам ўрганилган³. Шунини таъкидлаш ўринлики, Самарқанд минтақасида совет тузуми шароитида ўз асарларини эълон қилмаган кўплаб ижодкорларни жумладан, – Каттахонхожа Даҳбедий (Музнибий) (1878 - 1969), Абдулғани Раҳмонов (Жавдат) (1889-1981), Саломат Парда қизи (Мутриба) (1894-1964), Набирахўжа Валихўжаев (Хилъат) (1894-1968), Шайх Нарзуллахон Низомиддинхон ўғли (Ғарибий) (1908-1986) ва яна ўнлаб шоирларни санаб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилмаган. Коммунистик тузум мафкураси совет адабиётида «социалистик реализм»ни бош платформа сифатида қатъий белгилагани ва ўзининг темир интизомини кенг жорий этиб улгурган йилларда, аниқроғи,

² Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Мирий ва унинг замондошлари. – Тошкент:Фан, 1977; Орзибеков Р. Шавқий Каттақўрғоний ва унинг адабий мероси: фил.фан.номз. дисс. – Самарқанд: 1963; Салоҳиддинов И. Ноқис Каттақўрғоний ва унинг поэтик ижоди: фил. фан. номз. дисс. – Самарқанд: 1964; Сувонқулов И. Жиззах музофоти шоирлари. (XIX асрнинг охири XX аср бошларида яшаган Аламқаш, Муаззам, Махмур Коризий ва бошқа шоирлар ижодиёти бўйича): фил.фан. номз. дисс. – Самарқанд: 1970;Сирожиддинов Ш. XIX аср Каттақўрғон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари: фил.фан.номз. дисс. – Самарқанд: 1991; Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти:жамият ва бурч. 1-китоб. –Тошкент: Имом Бухорий жамғармаси., 2001. –Б. 80.; Зоҳидов Р. «Сабот ул-оғизин» асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий–танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари: фил.фан.д-ри...дисс.– Т.: ТошДўТАУ, 2018; Сайдалиева Н. Муаззамхон шеърлятида адабий анъаналар ва бадиий маҳорат: фил.фан.номз. дисс. – Самарқанд: 2002; Муҳиддинова Б.Сайидахмад Васлий Самарқандий мероси ва унинг адабий муҳитдаги ўрни: фил.фан.номз. дисс. – Самарқанд: 2009; Холиқулова Г. Мирийнинг «Рустам ва Сухроб» достони бадиияти. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2014.

³ Сирожиддинов С. Абдулҳамид Маждийнинг ҳаёти ва ижоди.: фил. фан. номз. дисс. – Самарқанд: 1972.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб диний мотивлар устувор бўлган ўзбек мумтоз адабиёти жанрларида ижод қилгани учун бу шоирлар ўз асарларини пинҳон сақлашга мажбур бўлдилар. Бу ноёб мерос муаллифларнинг шахсий архивида номаълумлигича қолиб кетди. Мустақиллик йилларида айрим ижодкорларнинг авлоди томонидан дафтарларда қолиб кетган битиклар ҳозирги ўзбек алифбосига кўчирилиб чоп этилди⁴. Бироқ асосий кўпчилиги, жумладан, Ибн Давлат (1860- 1947), Аҳлам (1887-1971), Жомеъ (1890- 1986), Муродий (1894- 1981), Абулхайрхон Саврий (вафоти 1961 й.), Мулла Нарзулло Шуқурий (вафоти 1930 й.), Асрорхон Муфтақир (1875 – 1925), Абдулмўмин Сатторий (1903-1925), Вадуд Маҳмуд (1897-1975) сингари сермахсул шоирларнинг ижодий мероси назардан четда қолди. Шунинг таъкидлаш керакки, тадқиқот объекти бўлган шоир Вадуд Маҳмуд ўтган асрнинг 20-30 йилларида машҳур мунаққид ва мужаддид бўлиб, ўзбек адабиётшунослигида бир қадар ўрганилган⁵. Б.Каримов «Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд» номли рисоласида ушбу мунаққиднинг матбуотда эълон қилинган илмий-танқидий ва публицистик мақолаларини ўша давр адабий муҳити доирасида таҳлил қилди, олимнинг XX асрнинг 20-йилларида шакллана бошлаган ўзбек адабий танқидчилигини тўғри ўзанга туширишга ўз ҳиссасини қўшган мунаққид ва илғор фикрли публицистлардан бўлганлигини илмий асослаб берди⁶. Шундай бўлса-да, Вадуд Маҳмуднинг қатагондан кейинги ҳаёти ва ижоди, умрининг охириги йилларида ёзган асарлари ҳануз эътибордан четда қолиб келмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлар режасининг «Адабиётшунослик ва Адабиётшуносликка кириш фанларини ўқитишнинг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

⁴ Ўроқхон (Рафъиддинхон) ҳожи шайх Нарзуллахон ўғли. Ибратли ҳаёт гулшани. -Тошкент:Мовароуннахр, 2005. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: фил.фан. номз.Сайфиддин Сайфуллоҳ. Салохий. Қори Салоҳиддин Маҳдум Қори Жалолиддин Маҳдум ўғли. Кутилган китоб. –Тошкент:Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2015. – Б.126.; Ножий. Уммон. – Самарқанд: Зарафшон, 1996. – Б.104.; Қори Муҳаммадрасул Ножий. Девон. – Тошкент: Mumtoz so`z, 2014. – Б.208. Кутбӣ. Ман зи хатти қаламат омадаам. –Тошкент: Янги авлод, 2003. – Б. 61.; Каттахонхожа Музнийий. Даҳбедийлар тарихи. – Тошкент: Турон zamin ziyo, 2017. –Б. 200. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: фил.фан.номз. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Аъзамхонтўра Каттахонтўра. Менинг сирри ниҳоним бор... – Тошкент: Наврўз, 2015. – Б.140.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Боту. Қизил маданиятчилар ғалабаси // Қизил Ўзбекистон. 1927. 11 октябрь. Сотти Хусайн. Танланган асарлар. –Тошкент. 1974. – Б.36. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. –Тошкент.1979. –Б.84. Бобоҳўжаев М.Кураш поэзияси. 1917-1929 йй. Ўзбек совет поэзияси материаллари мисолида. – Тошкент: Фан, 1979. –Б. 95. Юнусов М. Традиция ва новаторлик проблемалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 71. Юнусов М.Улуғлар даврасида//Шарқ юлдузи. 1990. №4-5.– Б.129-133. Каримов Б. Вадуднинг назари//ЎЗАС. 1994.25 март. Мақсудов Ю. Вадуд Маҳмуд ва Чўлпон.//ЎЗАС. 1993. №10. Қосимов Б. Маслақдошлар. Адиби аввал. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг даври. –Тошкент:Шарқ, 1994. – Б.44. Ҳожи Юнус Мақсудий. Ҳазон бўлган тақдирлар (Қодирий ва унинг дўстлари). –Тошкент. 1995. –Б. 54-57. Каримов Б. Вадуд Маҳмуд //ЎЗАС. 1992.16 октябрь.Воҳидов А. Аз нав омад баҳори оламафрўз// Овози Самарқанд. 1998. 2 май. С.Аҳмад. Вадуд Маҳмуд //Маърифат. 2008. 23 август. Ўзбек адабий танқиди. Назаров ва бошқалар. www.ziyo.comkutubxonasi. –Б.83-92. Эътибори мавлави// Овози Самарқанд. 2008. 10 апрель. Ҳаёт Неъмат. Pezhvak of PERSIA.// Volume 12 No 142 April 2003/ دیدار با استاد حیات... Назаров Б. ва бошқалар. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Вадуд Маҳмуд. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2012. –Б. 84-92. Муқимов М. Хуррият, маърифат ва кадрият. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. –Б. 6-23.

⁶Каримов Б. Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. –Тошкент: Университет, 2000. – Б.103.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср Самарқанд шоирлари Ибн Давлат, Аҳлам, Жомеъ, Муродийларнинг лирик мероси илмий тавсифини амалга ошириш, Вадуд Маҳмуд қўлёзма асарларини манбашунослик ва матншунослик нуктаи назаридан тадқиқ этиш ҳамда шоир рубоийлари матн хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мустабид коммунистик тузум даврида Самарқанд минтақасида ижод этган шоирларнинг адабий мероси ва шахсий архивидаги қўлёзма асарлари тавсифини амалга ошириш;

Вадуд Маҳмуднинг оммага номаълум бўлган қўлёзма меросининг кўлами, жанрий хусусиятларини аниқлаш;

архив материаллари асосида Вадуд Маҳмуд тўлиқ таржимаи ҳолини тиклаш ва шахсий ёзишмалари матний ҳамда мазмуний хусусиятларини тадқиқ этиш;

Вадуд Маҳмуд қўлёзма асарларининг салмоқли қисмини эгаллаган рубоийлари матни ва бадиий-ғоявий хусусиятини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ибн Давлат, Аҳлам, Жомеъ, Муродий қўлёзма манбалари ва Вадуд Маҳмуд шахсий архиви материаллари.

Тадқиқотнинг предмети. XX аср коммунистик тузум шароитида Самарқанд минтақасида мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттирган шоирлар ҳаёти ва ижоди, хусусан, Вадуд Маҳмуд қўлёзма асарларининг матний тадқиқи.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, тарихий-киёсий, биографик, психобиографик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Самарқанд минтақасида ижод этган Ибн Давлат, Аҳлам, Жомеъ, Муродий, Вадуд Маҳмуд сингари шоирларга тегишли шеърӣӣ дафтарлар, қўлёзма манбалар тавсифи амалга оширилган ва илмий истеъмолга киритилган;

совет мафкураси тан олмаган Аҳлам, Жомеъ, Муродий ва Вадуд Маҳмудларнинг таржимаи ҳоллари илк марта бирламчи манбалар асосида тўлиқ тикланган;

Вадуд Маҳмуд шахсий архивидаги манбалар таснифи, матн хусусиятлари илк марта текширилган ва уларнинг жанрига кўра турлари аниқланган;

XX асрнинг биринчи чорагида ўткир публицист ва мунаққид сифатида машҳур бўлган Вадуд Маҳмуднинг шоир сифатидаги мақоми белгиланган ва унинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мустабид коммунистик тузум даврида цензура тазйиқидан кўрқиб ўзини ошкор этмаган, аммо қадим мумтоз ўзбек адабиёти анъаналарини давом эттирган иқтидорли шоирлар қатлами мавжуд бўлгани исботланган;

масала монографик планда шу тарзда биринчи марта қўйилган ва тадқиқот манбаи сифатида шу кунгача оммага номаълум бўлган шоирларнинг асарлари тадқиқ этилган;

XX аср Самарқанд минтақасида яшаб ўтган шоирлар ижоди ҳақидаги манбалар илк марта мазкур ишда тадқиқот объекти сифатида жалб қилинган ва манбаларнинг илмий тавсифи амалга оширилган;

Вадуд Маҳмуднинг катағондан сўнгги ижоди йўналишига унинг оғир руҳий кечинмалари чуқур из қолдиргани шоир рубоийлари тадқиқи мисолида очиб берилган.

Вадуд Маҳмуднинг катағондан кейинги ҳаёти ва фаолияти, адабий меросига бағишланган «Армон бўлган рўшнолик» номли монография ҳамда шу давр ижодкорлари лирик меросидан тайёрланган намуналар асосида антология нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ибн Давлат, Аҳлам, Жомеъ, Муродий ва Вадуд Маҳмуд шахсий архивидаги қўлёзма манбаларга таянилгани, танлаб олинган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиқиб танлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XX аср ўзбек адабиёти тарихида анъанавий шарқ мумтоз шеъриятининг давом этиб келганлиги тўғрисида чиқарилган илмий хулосалардан матншунослик ва адабий манбашунослик, ўзбек адабиёти тарихига оид тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Матншунослик ва адабий манбашунослик» борасида кейинги тадқиқотларга йўл очишида, «Матннинг лингвопоэтик таҳлили», «Ўзбек адабиёти тарихи» фанларини ўрганишда, ўқув курслари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услугий мажмуаларни мукаммаллаштиришда назарий манба сифатида хизмат қилишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср Самарқанд адабий ҳаракатчилиги намояндалари қўлёзма асарларининг матний тадқиқи (Вадуд Маҳмуд ижоди мисолида) бўйича олинган илмий натижалар асосида:

истиклол даврида адабиётшунослик, матншунослик ва адабий манбашуносликнинг замонавий методлар асосида ҳолисона тадқиқ қилишга киришилгани, XX асрда қалам тебратган ижодкорлар асарларида Шарқ анъаналарининг ифодаси каби илмий-назарий хулосалардан Ф-1-06 рақамли «Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги (2012-2016) фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 89-03-2686-сон маълумотномаси). Натижада XX аср адабиёти тарихи бўйича аниқланган маълумотлар фактик далиллар бўла олиши, истиклол даври адабиётида Шарқ ва Ғарб анъаналари бадиий синтези асослари бўйича илмий хулосалар билан бойишга асос бўлган;

мустабид коммунистик тузум даврида Самарқанд минтақасида ижод этган шоирларга тегишли шеърий дафтарлар, қўлёзма манбалар тавсифи ва уларда Навоий ижодига оид илмий маълумотлардан А-1-118 рақамли «Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини

тайёрлаш ва нашр этиш» мавзусидаги (2015-2017) амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 89-03-2686-сон маълумотномаси). Натижада XX аср навоийшунослигида Вадуд Маҳмуд шахсий архивидаги Навоий асарларига доир бирламчи манбалар тадқиқи, мазкур ижодкорларнинг биографиясига оид янги маълумотлар, уларнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари таҳлилининг бугунги кундаги илмий аҳамияти каби хулосалар билан бойитилган;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси қошидаги «Садоқат» ижодий тўғараги дастурини тайёрлашда ва ёш ижодкорларга амалий машғулотлар олиб боришда тадқиқотдаги XX аср Самарқанд шаҳри ва атрофларида номлари ва ижодлари номаълум бўлиб келаётган кўплаб шоирларнинг ҳаёти ва адабий меросига доир илмий хулосалардан фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 28 августдаги 01-03-06/733- маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси қошидаги «Садоқат» ижодий тўғараги маънавий-адабий, бадиий материаллар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1та монография, 11 та илмий мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 158 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

КИРИШ қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий-назарий қиммати, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот методлари, ишнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**XX аср Самарқанд шоирларининг архив манбалари тавсифи**» деб номланган ва икки фаслдан иборат. «**Манбаларнинг мазмуний ва жанрий таснифи**» деб аталган биринчи фасли совет ҳукуматининг бир неча босқичли зўравон сиёсати натижасида яширинча ижод билан шуғулланишга мажбур бўлган шоирлар ва уларнинг

ижодига бағишланган. Мустақиллик йилларида бундай ижод аҳли меросини ўрганишга имконият туғилди. Бугунги кунда Самарқанд шаҳри ва атроф худудларида яшаб ижод этган, бироқ асарлари дафтарлар шаклида уларнинг авлодлари кўлида, шахсий архивларида сақланиб келаётган ўттизга яқин ижодкор номи аниқланди, уларнинг адабий мероси кўздан кечирилиб, тавсиф ишлари олиб борилди. Бу давр ижодкорлари асарлари ўз мазмунига кўра адабий манбалар – девонлар, лирик шеърлар мажмуаси, мусавваллар (Ибн Давлат, Музний, Вадуд Маҳмуд, Аҳлам, Жомеъ, Муродий), тарихнависликка оид манбалар (Аҳламнинг «Хидир элининг тарихи»), илмий манбалар (Вадуд Маҳмуд тадқиқотлари) кўринишида мавжудлиги аниқланди. Жанр турига кўра эса хат ва ёзишмалар, ҳужжатлар ва архив фондлари (Вадуд Маҳмуд, Жомеъ)га бўлиниши маълум бўлди.

Шунингдек, XX аср Самарқанд адабий ҳаракатчилиги намояндлари орасида ўзбек мумтоз адабиётидаги девон тартиб бериш, зуллисонанлик, хаттотлик, диний-фалсафий мазмундаги қасидайи мадҳиялар яратиш, таржимачилик, ҳикоятнавислик сингари қатор анъаналарни муносиб давом эттирган ижодкорлар мавжуд бўлганлиги ёритилди.

Бобнинг «**Ибн Давлат, Аҳлам, Жомеъ ва Муродий архивидаги манбалар тавсифи**» номли иккинчи фаслида номлари келтирилган ижодкорлар адабий мероси ўрганилиб, кўлёзма манбаларнинг илмий тавсифи амалга оширилди. Ҳар бир шоир лирик меросининг умумий ҳажми, жанрлари ва жойлашув тартиби аниқланди ҳамда жадвал кўринишида берилди.

Ибн Давлат. Асл исми Саййид Муҳаммад Йўлдош бўлган бу шоир 1860 йилда Самарқанд вилоят Хатирчи, ҳозирги Каттақўрғон туманига қарашли Жизмонсойнинг Дара қишлоғида таваллуд топган. Ибн Давлат 1947 йилда ўз қишлоғида вафот этган. Ундан бир девон мерос қолган.

Девон тахминан 1934-йилда ёзила бошланган, 1363 –ҳижрий, 1944 мелодий йилда ёзиб тугалланган. Дастхат – муаллифники. Қоғози – оддий, ўқувчиларнинг ўша йилларда чиқарилган ёзув дафтарларидан йиғилган. Варақлар сони 124 та, 248 бет. Девон ниҳоятда чиройли араб ёзувига мансуб настаълиқ хатида кўчирилган. Турли жанрларда ёзилган шеърлар сони 345 та. Мисралар сони ўн бир мингдан ортиқ...⁷ Девон ғазал, мусаллас, мураббаъ, мухаммас, маснавий, рубоий, фард, қитъа каби турли жанрдаги шеърлардан иборат. Ибн Давлат девонидан жой олган шеърлар жанри ва мавзуси, ғоявий мазмуни жиҳатидан соф диний йўналишдаги шеърят намунаси, айнан шу хусусияти билан XX асрнинг 50-йилларигача бўлган ўзбек матншунослигида муҳим ўрин тутади дейиш мумкин. Шеърларнинг умумий сони 349 та шундан 273 таси ғазал 76 таси бошқа жанрдаги шеърлар.

Абдушукур Қори Яхшибоев – Аҳлам 1887 йил Самарқанд туманида маърифатли оилада таваллуд топган. У ўз даврининг диний уламолари орасида таниқли қорилардан бири сифатида тан олинган, миллат жонкуярларидан, фаол жамоатчилардан бўлган. Абдушукур Қорининг

⁷ Юсуфий Жалолоддин. Қалам бўлди манга ҳамдам //Соғлом авлод учун. 2009. №.4. – Б.18-19.

истеъдодли ижодкор бўлганлигини кўрсатувчи манбалар унинг бир қисми сақланиб қолган қўлёзма меросида акс этган⁸. Абдушукур Қори Яхшибоев 1971 йил Самарқанд туманида вафот этган.

Аҳламнинг шоир сифатидаги лирик мероси турли-туман қоғоз парчаларида ёзиб қолдирилган бўлиб, мусаввада шаклидаги шеърий матнлари билан танишар эканмиз, Аҳламнинг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги ғазал, қасида, марсия, ҳамд, муножот, маснавий, мухаммас каби мумтоз шеъриятнинг турли жанрларида шеърлар ёзганига гувоҳ бўлдик.

Аҳламнинг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърий матнлари қасиданинг собиқ шўро мафкураси таъқибига учраган ҳамд, наът ва муножот каби турлари муносиб давом эттирилганини, шу билан бирга зуллисонайнлик анъанасининг давомчиларидан бўлганлигини кўрсатади:

بغير از ذات پاکش نیست دیگر جیچ معبودی
درودی ببعد از من با ان معبود یکنارا
وجودش اول آخر صفاتش صانع قادر
کریم عالیم باصر بقدرت کرد اشیارا

Мазмуни: *зоти покінгдан ўзга маъбуд йўқ, менинг сонсиз дурудларим сенга бўлсин, Вужуди аввал ва охирдир, сифатлари сонёу қодир. Каримдур, олиму босир, қудрати бирлан бутун борлиқни яратди.*

Унинг Навоий, Фузулий ва Амирийнинг бир нечта ғазалларига боғлаган мухаммаслари шоирни ўзига хос маҳорат эгаси сифатида кўрсатади.

Абдулқодир ибн Абдулазиз - Жомеъ 1890 йил Самарқанд шаҳрида туғилган. 1918 йил муаллимлар тайёрлаш курсини битирган, Самарқанддаги педагогика институтида таҳсил олаётган вақтида қамоққа олингани боис институтни тугата олмайди. 1955 йилдан бошлаб Тожикистон ФА луғатшунослик бўлимида штатсиз адабий ходим бўлиб ишлай бошлайди, луғат учун картотекалар тузиш, шарҳлар ёзиш каби ишларга жалб этилади⁹. Жомеъ 1986 йил вафот этган.

Шоир дафтарлари орасида муаллиф томонидан «Баёзи Жомеъ» тартиб берилгани айtilган. Лекин мавжуд қўлёзма материаллар орасидан муаллифнинг баёзи топилмади. Бир нечта оддий дафтарларга, настаълик хат тури билан кўк сиёҳда, баъзи матнлар қора қаламда ёзилган шеърларнинг жанр турлари хилма-хил бўлиб, ғазал, қитъа, рубоий, мухаммас, тўйхат, марсия-таърих шаклидаги шеърлардан иборат.

Ҳайитмурод Абдулмуқим ўғли Сатторов – Муродий 1894 йил Каттакўрғоннинг Сарипултепа қишлоғида туғилган. 1917 йил воқеаларидан кейин мирзолик вазифасида ишлайди. Ана шу «мирзолиги» сабаб халқ орасида «Мирзо Ҳайитмурод» номи билан танилган. Баъзи манбаларда шоирнинг ўнга яқин шеърий девон тузгани ҳақида айтилади. 1981 йил

⁸ Абдушукур Қори Яхшибоевнинг қўлёзма ҳолидаги адабий меросини кизлари Раъно ая Комилова бугунги кунга қадар авайлаб –асраб келаётганлари ва қўлёзмаларни тақдим этганликлари учун миннатдорчилик билдираимиз.

⁹Бу 2 жилдли луғат устидаги ишлар 1953 йилнинг охирида бошланган бўлиб, 1969 йил Москвада чоп этилган. Бу ҳақда қаранг: Фарҳанги забони тожики. 1-2 жилдлар. –Москва:Советская энциклопедия, 1969. – С. 951.

Каттақўрғон шаҳрида вафот этган. Шоирнинг бир қисм шеърларини ўз ичига олган лирик мероси китоб шаклида, устидаги тўқ жигаррангли муқова қаттиқ қоғоздан қўлда тайёрланган. Манбадаги барча шеърлар ўзбек тилида бўлиб, форс-тожик тилидаги бирор байт ёки мисра учрамайди. Гарчи муаллифнинг ўзи девон деб атаган бўлса-да, текшириш натижасида бу шеърини матнни анъанавий девон тузиш тартиб-қоидаларининг барча талабларига жавоб бера олади деб айта олмаيمиз. Чунки манбада девон тузиш анъанасининг бир қатор элементлари мавжуд бўлгани ҳолда девон деб аташга имкон берувчи асосий мезонларга амал қилинмаган. Қўлёзма дафтарларда жами 186 та шеър жамланган. Жанр турлари кўп эмас, ғазал, мухаммас, мураббаъ, мусаддас, рубоий-тўртликлардан иборат.

Гарчи бу шоирлар яширинча ижод қилган бўлсалар-да, архивларидаги манбаларни ўрганиш жараёнида уларнинг ўзаро ижодий мулоқотда бўлиб турганликлари маълум бўлади. Бунга мисол тариқасида, уларнинг бир-бирларининг ғазалларига боғлаган мухаммаслари, нома-мактублари ёки Жомеъ қўлёзмалари орасида Қутбий шеърини мактубининг сақланиб қолганлигини айтиб ўтиш мумкин. Шеърини мактубда ёзилишича, ўша вақтда Душанбеда яшаётган Қутбий Самарқандга келган ва Жомеъ билан учрашиш учун унинг уйига борган. Бахтга қарши Жомеъ уйда бўлмаган. Шунда дўстини кўришни жуда истаган Қутбий гина ва соғинч аралаш шеър ёзиб қолдирган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Вадуд Маҳмуд биографияси манбалари ва асарларининг матн хусусиятлари**» номи остида берилган. Бобнинг 1-фасли «**Вадуд Маҳмуд таржимаи ҳолининг номаълум қирралари**» деб номланган бўлиб, бунда Вадуд Маҳмуд ҳаёти ва ижоди¹⁰ тўғрисида муаллиф томонидан ёзиб қолдирилган хотира, ариза ва бошқа шахсий ҳужжатлар асосида адиб таржимаи ҳоли тўлиқ тикланди. Бугунги кунгача ижодкор таржимаи ҳолига алоқадор мақола, хотира ва адабиётларда йўл қўйилган баъзи ноаниқликлар ва чалкашликларга аниқликлар киритилди (туғилган йили санаси, туғилган жойи, ота-онаси, қачон, қаерда сургун ва қамокда бўлганлиги, вафоти санаси кабилар). Жумладан, манбалардан бирида олимнинг қамокдан чиққан йили 1959 йил деб берилади. Лекин 1954 йил баҳорда Самарқандга қайтиб келганлиги ўз қўли билан ёзган ишончли манбаларда қайд этилган. Шунингдек, уни публицист, мунаққид ва шоир бўлиб танилишида Самарқанд адабий муҳити вакилларининг таъсири каби масалалар ёритилди.

Бобнинг иккинчи фасли «Вадуд Маҳмуд ижодининг матн хусусиятлари» деб номланган. Олим архивидаги манбалар ўрганилиб матн хусусиятига кўра насрий ва лирик асарларга бўлиниши аниқланди. Ижодкор архивидаги **насрий манбалар**ни қуйидаги жанр турларига бўлиш мумкин:

- а) Хат- ёзишмалар;
- в) Эсдалик – хотиралар;
- с) Илмий-танқидий тадқиқотлар матни.

¹⁰ Вадуд Маҳмуд адабий меросини тақдим этганликлари учун адибнинг фарзандлари Нажод Вадудзодага ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз (З.Х.)

Хат -ёзишма матнлар асосан Самарқанд адабий муҳити ижодкорлари билан бирга хат орқали боғланиб турган Тошкент, Фарғона каби вилоятлардаги адабий муҳит вакиллари билан. Булар орасида Озарбайжон, Туркия ва Россияда таҳсил олаётган талабаларнинг хатларини ҳам учратиш мумкин. Хатлар орасида Чўлпон, Бектош, Баҳром, Исмоил Садрий ва Иброҳим Мўминовлар томонидан ёзилган мактуб матнлари ҳамда Вадуд Маҳмуднинг қамокдан синглиси, жиянларига ёзган мактублари яхши сақланган. Буларнинг ичида аҳамиятлиси Чўлпоннинг ўз қўли билан ёзган хати бўлиб, мактуб етти саҳифадан иборат.

Эсдалик – хотиралар матни. «Девмард» номли сарлавҳа остида сақланаётган кўлёзма настаълиқ хатида ёзилган, 18 варақ ҳажмида бўлиб, оддий дафтарда ёзилган. Ушбу манба Туркистон давлатининг тараққиёти ва халқ озодлиги йўлидаги улғу хизматлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган Саид Носирхонтўра Камолхонтўраев ҳақида¹¹. Вадуд Маҳмуд 1937-1938 йилларда бу давлат арбоби билан Тошкент қамокхонасида битта бўлимда бўлган¹².

Кейингиси «*Хобнома*» сарлавҳаси билан ёзилган ва 1, 2, 3, 4 шаклида рақамланган тўртта ўн икки варақли дафтар, унда адибнинг 1926 йиллардан бошлаб сургун, қамок ва қамокдан кейинги ҳаёт лавҳалари ёритилган.

Вадуд Маҳмуднинг илмий тадқиқотлари дафтарларда сақланиб қолган. 1922 йил ёзилган «Биринчи дафтар» деб қайд этилган кўлёзма «*Мусо Жоруллоҳ ва ислом*» деб номланган. Бу тадқиқотида олим машҳур татар илоҳиётчи олими Мусо Жоруллоҳнинг 1917 йилда ёзилган «Шариати исломия» асари ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этишни мақсад қилганлигини кўради¹³. Асар тугатилмаган.

«*Ҳавоси хамса*» – 1918 йилда ёзилган, тасаввуфий мавзуда, ўзбек тилида. Яна бир кўлёмаси 1916 йилда ёзилган бўлиб, дунё халқларининг келиб чиқиши ва ҳар бир миллатнинг қайси ирқ доирасига кириши ҳақида.

Форс-тожик адабиётининг машҳур вакиллари ҳаёти ва ижодига бағишланган қиёсий, илмий – танқидий мақолалари 1935-1936 йилларда ёзилган: «*Фирдавсий ва «Шоҳнома»и ў*», «*Шайх Низомий Ганжавий*», «*Фирдавсий ва Низомий*», «*Шайх Саъдий*», «*Муқаддимаи Ҳофиз*», «*Ҳожу*».

Мунаққиднинг қизил империя сиёсатининг айни авжига чиққан йилларда олиб борган илмий изланишлари мафкуравий тазйиқларга қарамай, унинг мумтоз шоирлар ижодини тадқиқ этишдан тўхтамагани, уларнинг ҳаёт фаолияти ва асарларининг бадиий - ғоявий томонларини ёритишда диний-

¹¹Бу ҳақда қаранг: Саидносирхонтўра Камолхонтўраев. Ўзбек миллий энциклопедияси. www.ziyouz.com кутубхонаси, – Б.401 Яна: Эрқурк М.Х., Шамсутдинов Р. Саид Носирхонтўра – маориф вазири// Водийнома, 2017. №5. – Б. 83-86. Бу ҳақда қаранг: 1917 йил 26 ноябрда Кўкон шаҳрида Ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда съезди иш бошлайди. Съездда бир қатор масалалар билан бирга Халқ Мажлиси аъзолари ҳам сайланади. Шулардан бири Носирхонтўра Камолхонтўраев эди. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 жилдлик. 2-китоб. – Тошкент: Шарқ нашриёт матбуот матбаа концерни бош таҳририяти, 2000. – Б.54.

¹² Вадуд Маҳмуд. Девмард. Шахсий архив.

¹³Мусо Жоруллоҳ — Мусо Яруллович Бигиев – 1874 (1873) йил Россиянинг Пенза губерниясида таваллуд топган. Бу йирик олим ўзининг ислом дини ва шариатига оид кўплаб тадқиқотлари билан машҳур. 1949 йил Мисрнинг Қоҳира шаҳрида вафот этган. Бу ҳақда қаранг: Муса Джаруллах Бигиев. Антология татарской богословской мысли. Избранные труды в двух томах. – Казань: Татарское книжное издательство, 2005. – С.336.

тасаввуфий йўналишдан борганлигини кўрсатади.

Ижодкорнинг қатағондан кейинги даврда ёзилган лирик асарлари ижодининг биринчи даврига қиёсан олинганда шакл, мазмун ва тил жиҳатидан тубдан фарқ қилиши, анъанавий мумтоз жанрларда қалам тебратгани ҳақида сўз боради. Унинг асосий лирик мероси мингдан ортиқ рубоийларни ўзида жамлаган мажмуа бўлиб, автограф нусхада битилган. Қўлёзма манба 96 бетли умумий дафтардан иборат бўлиб, «Рубоиёт» – «روباعیات» номи остида тартиб берилган.

Ишнинг учинчи боби «Вадуд Маҳмуд рубоийлари матний тадқиқи» номи билан аталган, боб икки фаслдан ташкил топган. Биринчи фаслда рубоийлар матнида шакл ва ғоя масалалари ёритилган. Рубоийлар матни таҳлили орқали шоир шеърлари мавзу-мазмуни ва ғоявий жиҳатлари мумтоз рубоийнавислик анъаналари силсиласида давом этганлиги ойдинлаштирилган. Рубоийлар матнида фалсафий-тасаввуфий ғояларнинг бадиий талқини етакчи ўрин тутиши билан бирга ижодкорнинг ўзи яшаган ижтимоий-сиёсий шароитдаги энг оғриқли нуқта, хусусан, Ватан озодлиги, халқ фаровонлигини кўриш истаги асосий ўрин тутди. У Ватанини Россия мустамлакасидан қутулиб, халқни озод ва эркин бўлишидай улўғ ниятини шундай мисраларда баён этади:

تا چند سرای ما همه پردود است
این چهرهء ما به چند گردآلود است
گویند زمان شادمانی زود است
این زودی ندانیم چه دوری بوده است

Мазмуни: *Саройимиз қачонгача тутунга тўлади, қачонгача юзларимиз чанг-ғуборли бўлади, шодлик замони яқин дейдилар, билмадик, бу яқинлик ҳали қанчалар узоқ.*

Ўзбек адабиётида устувор бўлган диний-фалсафий ғоялар Вадуд Маҳмуд ижодида ҳам ўзига хос бадиий инъикосини топган. Хусусан, Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг Ваҳдат ва Касрат олами яхлитлиги назарияси Вадуд Маҳмуд рубоийсида қуйидагича талқин этилган:

آنه بود عالم موجود حق است
زیرو بالا در آن میان ورق است
بر هر چه نگه کنی روخ او یابی
هر دانه که جینی همه ظاهر یک است

Мазмуни: *Олам Ҳақ мавжуд бўлган ойнадир, еру само бу варақнинг ўртасидир, нимагаки қарасанг Унинг юзини кўрасан, ҳар бир терган донанг зоҳирда бирдир.*

Шунингдек, Робиа Адавия олға сурган Аллоҳга бўлган ишқ шоирнинг катор рубоийларида бадиий маҳорат билан қаламга олинган:

ایمان نه ز ترس دزخش آوردیم
نه میل به جنّتش به او رو کردیم
چون جزیهء عشق او شراری افکند
ما داغ فراق او به دل پروردیم

Мазмуни: *Дўзах қўрқувидан имон келтирмадик, Жаннати умидида юз қаратмадик. Унинг ишқи жазбасидан учқун сачрагач, биз унинг фироқ дардини кўнгилга эдик.*

Ўша нотинч замоннинг таҳликали кунларида ён-атрофидаги яқин кишилари, дўстларининг ўзларини олиб қочишлари ёки уни бошқалар каторида туриб ёмонотлиқ қилишлари ижодкорга қаттиқ таъсир қилган. Янги давлат тузуми олиб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ҳар бир шахс тақдирига соя солиб ўтганини шоирнинг қуйидаги рубойиси мисолида аниқ кўриш мумкин:

چون دوست همیداشت مرا دوست من
دشمن شد از این سبب مرا هر دشمن
لیکن از دوست دل کندم که به من
صد دشمنم آن نکرد با مکر و فن

Мазмуни: *Дўстим мени ўзига яқин олмагани сабаб ҳар бир душманнинг душманлиги ортди. Лекин дўст баҳридан шу сабаб кечдимки, у менга ҳеч бир душман қилмаган ишни раво кўрди.*

Шоир рубойилари матнини ўрганиш натижасида унинг шеърлари ижтимоий-сиёсий, панд-насихат ва пейзаж каби мавзуларда ёзилгани, шарқ фалсафий тафаккурининг асл моҳиятини ўзида мужассам этган тасаввуфий ғояларга асослангани маълум бўлди.

Бобнинг иккинчи фасли «Анъана ва маҳорат» деб номланган. Вадуд Маҳмуд рубойинавислик анъанасини шаклан эмас, мавзу-мазмун ва бадий-ғоявий жиҳатдан ҳам муносиб давом эттирган ва шу билан бирга маълум маънода ривожлантирган дейиш мумкин. Анъанавий шарқ шеъриятида тазмин боғлаш усулидан асосан ғазалчиликда фойдаланилади. Вадуд Маҳмуд бу усулни рубой жанрига татбиқ этиб, шарқ рубойинависида ўзига хос ўрин тутган Ибн Сино, Умар Хайём, Мирзо Бедил каби файласуф шоирларнинг бир нечта рубойларига тазмин бағишлаган. Жумладан, Ибн Синонинг машҳур рубойларидан бирига Вадуд Маҳмуд қуйидагича тазмин ёзган:

از مرکز خاک تا به ایوان زحل
کردم همه مشکلات گتیرا حل
در پرده نھان پدید شد یک هیکل
در بر نگرفته ماند ان روح اجل

Мазмуни: *«Қаро ер қаъридан то авжи Зухал, Коинот сирларин барин қилдим ҳал». Парда орқасида пинҳон бир ҳайкал кўринди, Ажал руҳи уни маҳв этолмади.*

Вадуд Маҳмуднинг Ибн Сино рубойисига қўшган мисраларида сўфиёна тасавурларнинг бадий аксини кўриш қийин эмас.

Унинг ижодига Умар Хайём рубойларидаги умуминсоний ғояларнинг таъсири катта бўлганлиги ҳамоҳанг байтларда ўз тасдиғини топган. Хайёмнинг: *Бегона ҳам вафо қилса, жигар менга, Қариндошим жафо қилса, дигар менга* - байтлари Вадуд Маҳмудга илҳом берган дейиш мумкин:

پرسی تو که ملتّم که جنسم جیست
و از این اقوام نسبت من با کیست
من هم جنسم با آنکه او آدمی است
آنکس که ندارد آدمی از من نیست

Мазмуни: *Мендан миллатинг нима, жинсинг ким, қайси халқ вакилисан деб сўрасанг, Кимда одамийлик бўлса, ўша жинсданман, кимдаки одамийлик бўлмаса - у мендан эмас.*

Шунингдек, улуғ файласуф шоир Мирзо Бедилнинг инсоннинг асл моҳияти – ўзлигини англашга даъват этган мулоҳазаларини Вадуд Маҳмуд қуйидагича талқин этади:

عمر که سراب و ماجرا میجستم
کی دانستم که چه چرا میجستم
چون عاقبت الدم حقیقت و ا شد
معلوم شد که من مرا میجستم

Мазмуни: *Умр бўйи саробу можаро излабман, нимани, нега излаганимни билмабман. Оқибат шу аён бўлдики, мен ўзимни ўзим излабман.*

Шоир бадий санъатлардан фойдаланишда ҳар бир туркумдаги рубоийларида маълум санъатларни қўллагани кўзга ташланади. Пайғамбаримизнинг «Одамларнинг яхшиси ўзгаларга манфаат келтирадиганидир» – деган ҳадисларини ирсоли масал санъати ёрдамида қуйидагича бадийлаштиради:

پیغمبر گفت بهتر نوع بشر
آن است که خیر میرساند به دگر
امروز همین قدر کفایه است مگر
از کس نرسد بر کس یک شر

Мазмуни: *Пайғамбар инсонларнинг яхшиси ўзгаларга фойда етказадиганидир деди. Лекин бугун ўзгадан бирор ёмонлик етмаса шу кифоя бўлиб қолди.*

Рубоийда ҳадис мазмунига айнан ёндашиш эмас, балки ён – атрофида бўлаётган инсофсизлик, ёвузлик, керак бўлганда озгина инсоний ёрдамини кўрсатмаслик ва шу каби инсонларга хос бўлмаган қусурлар натижасида яхшилик қилиш эмас, балки ёмонлик қилмасликнинг ўзи ҳам бугунги кунда яхши одам номини олишга арзийдиган иш дегандай бўлади.

Яна бир рубоийда талмеҳ ва ташбеҳ санъатларидан моҳирона фойдаланиб ўз тақдирини Юсуф пайғамбар тақдири билан боғлаганини кўрамыз:

یک روز به چایخانهء شربتدار
خوردیم دو - سه تن شده شهد خوشبار
اندر بعدش یکی از آنها بفروخت
چون یوسف مصری ام به گرگ خوانخوار

Мазмуни: *Бир куни «Шарбатдор» чойхонасида икки-уч киши бўлиб ширинлик (айнан тоза асал назарда тутилган) едик. Шундан сўнг улардан бири мени сотти, дучман Миср Юсуфидай қонхўр бўрига.*

Шўро тузумининг барча азобларини бошидан кечирган ижодкорнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳасби ҳол мавзусидаги рубоийларида кўпроқ тазод санъатини қўллаганига гувоҳ бўламиз:

هر غنچه كه سر كشيد آنرا بکنند
مرغی که به نغمه شد قفس بند کنند
هر میوه که بست شیره آنرا ببرند
مردی که کمال یافت گردن بزندند

Мазмуни: *Ғунча очилса уни узадилар, қуш сайрай бошласа, уни қафасга соладилар. Мева шира олиб пишса, уни узиб кетадилар, киши камолга етса унинг бўйнини синдирадилар.*

Шоир рубоийлари матний тадқиқи натижасида унинг улуғ ижодкорлар бадиий тафаккурига эргашиши, миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб этиши ва бадиий санъатларни қўллашдаги ўзига хос маҳорати ёритилди.

ХУЛОСА

«XX аср Самарқанд адабий ҳаракатчилиги намояндалари қўлёзма асарларининг матний тадқиқи (Вадуд Маҳмуд ижоди мисолида)» мавзусида олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Совет даврида социалистик шўро давлати мафкураси белгилаб берган мавзулар доирасидаги шеърият ривожини билан ёнма-ён ўзбек мумтоз шеъриятининг кўпийиллик тажрибасини ўзида мужассам этган аруз вазнига асосланган, диний – фалсафий дунёқараш негизида шаклланган мумтоз шеърият ҳам яшаб келди. Лекин бу ижодкорларнинг аксарият асарлари мавжуд тузум мафкурасига тўғри келмаганлиги боис дафтарларда қолиб кетди. Бу давр ижодкорлари шахсий архивини мазмунига кўра **адабий** (девонлар, лирик шеърлар мажмуаси, мусаввадалар), **тарихнавислик** («Хидир элининг тарихи», Аҳлам) **ва илмий манбалар** (Вадуд Маҳмуд илмий –танқидий изланишлари) ташкил этади. Уларни тадқиқ этиш XX аср ўзбек адабиётининг номаълум саҳифаларини ойдинлаштиришга муайян даражада хизмат қилади.

2. Ўзбек адабиётидаги зуллисонайлик анъанаси 1917-1990 йиллар мобайнида самарқандлик шоирлар томонидан муваффақиятли давом эттирилган. Ибн Давлат девони ва Муродий шеърий тўплами фақат ўзбек тилида, Ножий девони ҳам асосан ўзбек тилидаги шеърлардан тузилган. Салохий, Вадуд Маҳмуд, Жомеълар ижодида форс-тожик тилидаги шеърлар кўпчиликини ташкил этади.

3. Вадуд Маҳмуд рубоий жанрида ижод қилиб 1264 рубоийни ўз ичига олган мажмуа тузган. Бу эса собиқ шўро даврининг 50-60 йилларида рубоийлардан мажмуа тузиш анъанаси давом этганлигини кўрсатади.

4. Вадуд Махмуднинг Эсдалик-хотиралар туркумидаги бир қўлёзмаси Туркистон давлатининг тараққиёти ва халқ озодлиги йўлида жонини фидо этган Сайид Носирхонтўра Камолхонтўраев ҳаётининг сўнгги кунлари, унинг отувга ҳукм қилиниши ва унинг ўлими ўша қамоқхонада сақланаётган минглаб маҳбусларни ларзага солгани ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу материал Ўзбекистон тарихининг айрим саҳифаларини ёритишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

5. Муаллифнинг ўзига хос жанрда ёзилган «Хобнома» туркум эсдаликлари хронологик тарзда шоир ҳаётининг фожиали босқичларига бағишланган, унда 1927 йил воқеалардан 1954 йил қамоқдан чиққунига қадар бўлган турли-туман хотиралар баён этилади. Ушбу манба Вадуд Махмуд автобиографиясини тиклаш ва ўша даврдаги тарихий, ижтимоий-сиёсий вазият, баъзи бир тарихий шахслар хусусида маълумотлар бериши билан катта аҳамиятга эга.

6. Адибнинг тадқиқ доирасига тортилган қўлёзма асарларининг бир туркуми хат-ёзишмалар бўлиб, дастлабки хатлар ўтган асрнинг 1919-1926 йилларида ёзилган. Айниқса, Исмоил Садрий, Бектош, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Иброҳим Мўминов билан ёзишмалари ноёб мактублардир.

7. Вадуд Махмуд ҳаёти Ўзбекистонда ва кейинчалик бир муддат Тожикистонда ўтган. Шу сабабли у икки тилда ижод этди. Вадуд Махмуд туркий туюқ жанрини форс-тожик шеърятига олиб кирган биринчи ижодкордир.

8. Вадуд Махмуднинг Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Шайх Саъдий, Хожу каби улуғ шоирлар ҳаёт фаолиятига бағишланган, ҳар бир шоир фалсафий қарашининг туб негизини очиб беришга йўналтирилган изланишлари коммунистик мафкура таъсиридан холилиги билан аҳамиятлидир.

9. Вадуд Махмуд рубойларининг асосий қисми 50-60-йилларда ёзилган, уларда Россия мустамлакачиларига бўлган нафрат, мавжуд шўро тузумидан норозилик, халқ мустақиллиги, Ватан озодлигига бўлган кучли истак ва умидворлик ғоялари акс этган. Шўро даври бўлишига қарамай ўз рубойларида шарқнинг Ибн Сино, Умар Хайём, Бедил, Алишер Навоий сингари улуғ мутафаккирларига издошлик йўлидан бориб, фалсафий-тасаввуфий йўналишда рубойлар ёзган.

10. XX аср ўзбек адабиётининг назардан четда қолган қатламида мумтоз адабий анъаналар изчил давом этганлигини 1917-1990 йиллар мобайнида Самарқанд шаҳри ва яқин атрофларида яратилган, тарқоқ ва сочилган ҳолда сақланиб келаётган лирик мерос ҳажмидан билиш мумкин. Бу анъаналар мумтоз адабиётимиздаги мавзулар кўлами ва жанрлар ранг-баранглигида ўз аксини топган. Диний – тасаввуфий ва тариқатларга издошлик асосида шеърый асарлар яратилган. Бу манбалар бир жойга жамланиб, қўлёзма ҳолида сақланган араб ёзувидаги асарлар жорий ёзувга табдил қилинса ҳамда

бу ноёб лирик мерос монографик қўламда ўрганилса, ҳеч шубҳасиз, ўзбек адабиётшунослигининг ўтган 70-75 йиллик тарихи мукаммал кўринишга келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ
АЛИШЕРА НАВОИ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

ХУРРАМОВА ЗЕБИНИСО САФАРБОЕВНА

**ТЕКСТОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ РУКОПИСНЫХ
ПРОИЗВЕДЕНИЙ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ САМАРКАНДСКОГО
ЛИТЕРАТУРНОГО ДВИЖЕНИЯ XX ВЕКА
(На примере творчества Вадуда Махмуда)**

10.00.10 – Текстология и литературное источниковедение

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/FIL1045.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков.

Автореферат диссертации на трех (узбекский, русский и английский) языках размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.navoiy-uni.uz и Информационно-образовательном портале Ziyonet по адресу www.ziyonet.uz.

Научный консультант:	Сирожиддинов Шухрат Самариддинович доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Каримов Баходир Нурметович доктор филологических наук, профессор Рафиддинов Сайфиддин Сайфулла угли кандидат филологических наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Ташкентский государственный университет востоковедения

Защита диссертации состоится «30» ноября 2020 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (Адрес: 100100, Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Хожиба, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои. (зарегистрирована за номером 819 (Адрес: 100100, Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Хожиба, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz)).

Автореферат диссертации разослан «18» ноября 2020 года.
(Протокол реестра рассылки 40 от «18» ноября 2020 года).



 Н.А. Жабборов
Заместитель председателя Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

 К.У. Пардаев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук

 Н.А. Жабборов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В развитии мировой культуры и литературно-эстетического мышления важно выявить и всесторонне проанализировать первоисточники, использовать их для духовного обогащения общества, так как дальнейшее развитие каждой нации и ее будущее укрепляется на основе культурного наследия, традиций и духовных ценностей предков.

Мировое сообщество уделяет все больше внимания к вопросу всестороннего изучения уникальных рукописных источников, оставленных нашими предками, что свидетельствует о необходимости проведения масштабных исследований в сегодняшней узбекской текстологии и источниковедения. Выявление, анализ и изучение рукописных источников не только как ценных памятников, освещающих неизвестные страницы нашего давнего прошлого, но и неизвестные страницы нашей недавней истории ставят актуальные задачи перед текстологией и источниковедением.

С первых лет независимости в нашей стране всё больше внимание уделяется изучению рукописных источников, оставленных нашими предками. Сегодня в качестве неотъемлемой части работ в данном направлении особенно востребованы и актуально стоит вопросы выявления имен ряда талантливых поэтов, не проявивших в полной мере свой талант и неопубликовавших свои произведения опасаясь репрессий в условиях давления тоталитарного строя бывшего Союза, изучение рукописи и публикации образцов их творческого наследия. Ведь «... бессмертное наследие самоотверженных деятелей просвещения по-прежнему служит важным источником повышения нашей духовности, воспитания нашей молодежи в духе национальных и общечеловеческих ценностей».¹⁴ Актуальность и необходимость данной исследовательской работы определяется изучением и введением в научный оборот сведений первоисточников и факты о плодотворном поэтическом наследии таких продолжателей традиции классической литературы, как Ибн Давлат, Ахлам, Джамеъ, Муроди, которые жили и занимались художественным творчеством в Самаркандской области во время диктаторского советского режима, чьи имена до сих пор остаются неизвестными для истории узбекской литературы XX века, осуществлением научного описания их рукописей и определением жанровых особенностей, в частности, описанием рукописного наследия, известного публициста начала XX века Вадуда Махмуда, творчество которого после репрессии оставалось долгое время неизвестным, текстуальным анализом его рубаи и изучением их с точки зрения идейно-художественного исследования.

